

Кириш

5A220101 – Журналистика (фаолият турлари бўйича): 5A220101 – Журналистика: босма оммавий ахборот воситалари журналистикаси, 5A220101 – Журналистика: сиёсий-ҳуқуқий журналистика, 5A220101 – Журналистика: интернет журналистика, 5A220101 – Журналистика: спорт журналистикаси, 5A220101 – Олий журналистика курслари, 5A220101 – Журналистика: спорт тадбирларини шарҳловчи, 5A220102 – Халқаро журналистика, 5A220103 – Телевидение ва радиоэшиттириш бўйича магистратура таълими тўрт йиллик бакалавриат йўналишини тамомлаган ва иш берувчиларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиб йўлга қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур таълим йўналишларига киришни истаган талабалар эътиборига ҳавола этиладиган саволнома вариантлари журналист олимлар ва амалиётчи журналистлар ҳамкорлигида тузиб чиқилган. Саволларнинг мавзу-мундарижаси журналистика бакалавриат босқичида ўқитиладиган фанлар мавзуларини қамраб олган ва фан дастурларидан ташқарига чиқмасликка қатъий амал қилинган. Шунингдек, соҳа характеридан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз ҳаётида рўй бераётган муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жараёнларнинг журналистлар ижодида ёритилиши масалалари ҳам савол вариантларида ўз аксини топган.

5A220101 – Журналистика (фаолият турлари бўйича), 5A220101 – Журналистика: босма оммавий ахборот воситалари журналистикаси, 5A220101 – Журналистика: сиёсий-ҳуқуқий журналистика, 5A220101 – Журналистика: интернет журналистика, 5A220101 – Журналистика: спорт журналистикаси, 5A220101 – Олий журналистика курслари, 5A220101 – Журналистика: спорт тадбирларини шарҳловчи, 5A220102 – Халқаро журналистика, 5A220103 – Телевидение ва радиоэшиттириш мутахассисликлари бўйича ўқишга кирувчилар учун мутахассислик фанидан кириш саволлари шакллантирилган. Бу саволномалар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

1. КИРИШ ИМТИҲОНИ (ЎЗМА) БОСҚИЧНИНГ МАЗМУНИЙ ТАРКИБИ

ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси мақсад ва вазифалари, асосий йўналишлари, Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида олиб борилаётган ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фаол фуқаролик позицияси, танқидий таҳлил ва шахсий масъулиятнинг шаклланиши.

Ўзбекистон миллий тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун моҳияти, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий йўналишлари, уларни амалга ошириш механизмлари; фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асослари .

ОЧИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА АХБОРИЙ-ПСИХОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК

Ахборот хавфсизлиги тушунчаси. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўллари ва усуллари. Ахборот хавфсизлиги ва миллий манфаатлар. Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида. Ахборот воситалари диққатини жалб этиш ва жамоатчилик эътиборини қаратиш усуллари. Паблик релейшнз таркибий ёндашувлар. Паблик релейшндан қай тарзда фойдаланилади? Жамоатчилик билан алоқалар функциялари нималар иборат?

“Ахборот хуружи”, унинг намоён бўлиш шакллари ва олдини олиш масалалари. Ахборотни ҳимоя қилиш усуллари. Ахборот иммунитетини шакллантириш масалалари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишлари.

Глобаллашув жараёнида ОАВ хавфсизлиги. Терроризмга қарши курашда ОАВ нинг ўрни.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда радио ва телевидениенинг ўрни. Интернетнинг сиёсий жараёнларга таъсири. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда интернетнинг ўрни.

ЖУРНАЛИСТИКА АСОСЛАРИ. ЖУРНАЛИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

Журналистика мутахассислиги фанларини ўқитишда халқаро тажрибалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетини ташкил этиш тўғрисида”ги 2018 йил 24 майдаги 3737-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Журналист кадрларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2006 йил 7 августдаги Давлат дастури асосида).

Журналистика тушунчаси маъноларининг талқини. Журналистика ижтимоий институт сифатида. Журналистиканинг тарихий кўринишлари. “Матбуотнинг тўрт назарияси” (америкалик олимларнинг назариялари асосида). Журналист фаолияти турлари, ахборот сиёсатининг шаклланиши. “Тўртинчи ҳокимият”нинг иқтисодий асослари тушунчаси. Публицистика тушунчасининг таърифи.

Журналистика ижтимоий бошқарув омили сифатида. Журналистиканинг вазифалари. Журналистиканинг мафкура билан боғлиқлик даражаси. Журналистиканинг вазифалари бир тизим сифатида, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Журналистиканинг маданий-маърифий,

реклама-маълумот, рекреатив вазифалари. Журналистиканинг жамоатчилик фикрини шакллантириш хусусияти.

Оммавий коммуникация ва унинг соҳалари. Журналистика – оммавий коммуникация воситаси сифатида.

Журналистика тамойиллари. Ҳаққонийлик, холислик, адолатлилик тамойилларининг журналист касбий фаолияти самарадорлигига таъсири.

Масс-медиа тушунчаси талқини. Оммавий ахборот воситаларининг тузилиши (структураси). ОАВ турлари ва таснифи. Матбуотнинг ОАВ тури сифатида ўзига хос томонлари. Радиожурналистика хусусиятлари. Тележурналистика хусусиятлари. Миллий ва халқаро ахборот агентликлари фаолияти. Интернет журналистикасининг ўзига хосликлари ва тараққиёт тамойиллари. Ижтимоий тармоқлар ва блогсоҳа фуқаролик журналистикасининг таркибий қисми сифатида.

Матбуот нашрлари фаолиятининг ўзига хосликлари. Маърифий газеталарнинг вазифалари. Иқтисодий газета тушунчасини изоҳлаб беринг. Спорт нашрларининг ўзига хос хусусиятлари.

ОАВ ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришга қўйиладиган талаблар. Матбуот нашрлари ўртасидаги рақобатда дизайннинг ўрни ва аҳамияти. Матбуот нашрларини саҳифалашда аҳамиятли жиҳатлар. Журнал дизайнидаги ўзига хос жиҳатлар. Матбуот нашрларини саҳифалашда ишлатиладиган компьютер дастурлари. Веб-саҳифа дизайнининг ўзига хослиги.

ЖУРНАЛИСТ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ. ЖУРНАЛИСТИКА ПСИХОЛОГИЯСИ ВА СОЦИОЛОГИЯСИ

Журналистикада ахборотнинг ўрни. Ахборот олиш воситалари ва тизими. Журналистика эркинлигининг ҳуқуқий асослари. Журналистнинг ҳуқуқий мақоми. Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни жорий этиш бўйича халқаро ҳужжатлар. ОАВ фаолиятида халқаро ҳуқуқий меъёрлар ва уларнинг аҳамияти.

Матбуот эркинлиги тушунчаси. Матбуот эркинлигини таъминлашнинг асосий омиллари. Иқтисодий омиллар ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги масаласи. Демократик жамиятда журналистика ва ахборот тартиби. Давлат ва оммавий ахборот воситалари орасидаги муносабат. Журналистика “тўртинчи ҳокимият” сифатида.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ҳамда “Ахборот олиш принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари. ОАВ рўйхатга олинишининг ҳуқуқий ва қонуний асослари. ОАВ га лицензия бериш ва уни бекор қилиш шартлари. Қонун билан ҳимоя қилинадиган сирлар. Ахборот қонунчилигида интеллектуал мулк тўғрисидаги меъёрлар.

Таҳририят фаолиятида ишлатиладиган муҳим меъёрий ҳужжатлар. ОАВда ҳуқуқшуноснинг вазифаси. Бош муҳаррирининг вазифалари. Матбуот, нашр, матбаа ва матбуот тарқатувчи атамаларининг тавсифи. Низом, таъсис шартномаси, ҳаммуассис ва таҳрир ҳайъати тушунчаларининг тавсифи. Мухбир ёки муҳаррирнинг вазифалари. Газета, журнал, телевидение ва радио таҳририятларидаги хатлар бўлими.

Журналистикада касбий ахлоқий мезонлар. Журналистика самарадорлиги ва унинг замонавий мезонлари. Журналистнинг касбий ахборий маданияти ва унинг умуммиллий маданият билан муносабатлари. Журналистнинг сиёсий маданияти. Сиёсий шарҳловчиларга қўйиладиган талаблар.

Журналистика касбий психологиясининг ўзига хослиги. Журналистнинг ахборот манбалари ва аудитория билан муносабатларида психологик усуллар.

ОАВ фаолияти самарадорлигида журналистика социологиясининг ўрни ва аҳамияти. Журналист фаолиятида қўлландиган социологик усуллар.

Интернетда журналистик ҳуқуқ ва этикаси.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРИХИ ВА МИЛЛИЙ ОАВНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистонда миллий матбуотнинг пайдо бўлиши. Ўзбекистон журналистикаси тараққиётида жадидлар матбуотининг ўрни. “Туркестанские ведомости” ва “Туркистон вилоятининг газети” – мустабидлар газетаси. Шўро даври ўзбек журналистикасига қисқача тавсиф. Ўзбекистонда партиявий нашрлар фаолияти.

Ўзбекистонда радиожурналистика тараққиёти. Ўзбекистондаги илк радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар. Ўзбекистонда тележурналистика тараққиёти. Ўзбекистонда интернет журналистикасининг ривожланиши.

Атоқли ўзбек публицистлари. Махмудхўжа Бехбудий – публицист ва муҳаррир. Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти. Абдулла Авлоний – муҳаррир ва публицист. Абдулла Қодирийнинг ҳажвий публицистикаси. Убайдулла Асадуллахўжаевнинг журналистик фаолияти. Чўлпон публицистикаси ва у муҳаррирлик қилган газеталар фаолияти. Фитрат – публицист ва муҳаррир.

Ўзбекистонда замонавий матбуот нашрлари таснифи. Мустақиллик даврида вужудга келган марказий газеталар. Ўзбекистонда халқаро журналистика тараққиёти.

Мустақил Ўзбекистонда радиожурналистика тараққиёти. Давлат ва нодавлат радиоканаллар. Ўзбекистон телевидениесида ахборот дастурлари. Ўзбекистонда хусусий телестанциялар. Давлат ва нодавлат телерадиоканаллар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Ўзбекистонда янги ташкил этилган телеканаллар фаолиятининг ўзига хосликлари.

Ўзбекистонда давлат ва нодавлат ахборот агентликлари фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хузуридаги “Дунё” ахборот агентлиги фаолияти.

ЖАҲОН ЖУРНАЛИСТИКАСИ ТАРИХИ ВА ХОРИЖИЙ ОАВНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Журналистиканинг тарихий тараққиёт босқичлари. Хорижий ОАВ ривожланишининг ўзига хос тамойиллари. ОАВ глобаллашувининг ижобий ва салбий томонлари. ОАВ тижорийлашуви. ОАВ ихтисослашувининг ижобий ва салбий томонлари.

“Сариқ матбуот” тушунчасининг тавсифи. Ривожланган давлатларда бепул тарқатиладиган матбуот нашрлари фаолияти.

Ривожланган хорижий ОАВ. Замонавий АҚШ ОАВ тараққиётининг хусусиятлари. АҚШ замонавий матбуотига умумий тавсиф. АҚШ оммавий ахборот воситалари: шаклланиши ва тараққиётининг асосий босқичлари. Америка телевидениеси NBC, ABC, CBS.

Буюк Британия оммавий ахборот воситалари: шаклланиши ва тараққиётининг асосий босқичлари. Францияда йирик ОАВ концернлари. Франс-пресс ахборот агентлиги. Германия матбуоти: тарихи ва бугуни.

Россияда давлат ва нодавлат ОАВ тараққиёти. Россия замонавий матбуоти.

Шарқий Европа мамлакатларида матбуот фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари. Европа телекомпаниялари фаолияти

Япония матбуоти: кеча ва бугун. Япония телекомпаниялари фаолиятининг ўзига хосликлари. Хитойда матбуот нашрлари фаолияти. Хитойда онлайн журналистика тараққиёти. Ҳиндистонда матбуот нашрлари ва ахборот агентликлари фаолияти. Марказий Осиё давлатларида радио ва телестанциялар.

Араб мамлакатларининг нуфузли матбуот нашрлари. Араб мамлакатларида радио ва телевидение фаолияти.

Хорижга ахборот узатишнинг асосий тамойиллари. Ўзбекистон ҳудудига ахборот тарқатадиган хорижий ОАВ. Ўзбекистон ва хорижий ахборот агентликларининг ўзаро муносабатлари.

Ривожланган давлатларда спорт журналистикаси тараққиёти. Хорижий спорт ОАВ фаолияти.

Ахборот технологиялари ривожланган даврда журналистиканинг янги кўринишлари.

ЖУРНАЛИСТИК ИЖОД ТУРЛАРИ ВА ИЖОД МАҲОРАТИ

Халқнинг маънавий мероси ва миллий қадриятларининг матбуотда ёритилишининг аҳамияти.

Журналистик ижод турлари ва методологик асослари. Журналистикада ахборот олиш ва тарқатиш тамойиллари.

Публицистик тадқиқот тушунчаси. Публицистикада далиллаш санъати. Далиллаш йўллари. Публицистик асарларнинг композицияси. Публицистик асарлар тили. Публицистик услуб. Публицистик асарлар услубининг ўзига хослиги. Публицистик асарларни таҳлил қилиш принциплари. Публицистик асарларни таҳрир қилиш масалалари. Публицистикада бадиийлик ва ҳужжатлилик. Уларнинг ўзаро мутаносиблиги масалалари. Публицистик ёндашув тушунчаси. Публицистик ёндашув ва ҳаётий воқелик.

Журналистикада ахборот жанрлари тизими. Янгиларни узатишда “тўнқарилган эҳром” усулининг тавсифи. Репортаж – ахборот жанри ва унинг турлари. Аудиовизуал воситалар тараққий топган даврда репортаж жанри. Журналистларнинг интернетда хабарларни узатиш усуллари ва хусусиятлари.

Корреспонденция жанри. Унинг турлари. Корреспонденциянинг кенгайтирилган хабар ва мақоладан фарқлари. Кўнгилочар мақолалар ва уларга қўйиладиган талаблар.

Очерк жанри: тарихи, бугуни. Машҳур ўзбек очеркнавислари.

Памфлет: жанр хусусиятлари. Машҳур памфлетнавислар.

Муаммоли мақола ва уни ёзиш методикаси. Журналистикада ҳисобот жанри ва унга қўйиладиган талаблар.

Сухбат жанри. Сухбат ва интервью ўртасидаги фарқли жиҳатлар. Интервью турлари.

Такриз ва унинг турлари. Лавҳа жанри. Лавҳа ва очеркнинг умумий ва фарқли томонлари. Эссе: жанр хусусиятлари, эволюцияси. Журналистик суриштирувда фактлар ва уларнинг талқини.

Фельетон: жанр хусусиятлари. Шўро даври фельетонларининг асосий хусусиятлари. Машҳур ўзбек фельетоннавислари.

Шарҳ жанри. Шарҳнинг турлари. Шарҳлаш журналистикасининг хусусиятлари. Ўзбекистонда сиёсий шарҳловчилик мактабининг шаклланиши. Ўзбекистонда футбол шарҳловчилиги тараққиёти. Геосиёсий муаммоларни ёритишда журналистик таҳлилнинг ўзига хос талаблари. Халқаро конфликтшунослик ва халқаро журналистика.

Ихтисослашган нашрлар фаолияти тизими. Ҳуқуқий ва иқтисодий нашрлар фаолиятининг ўзига хослиги. Диний-маърифий журналлар фаолияти. Болалар мавзусини ёритишга қўйиладиган талаблар. Ихтисослашган журналистлар фаолиятига қўйиладиган талаблар.

Интернет журналистикаси жанрлари. Интернет ва ахборот технологиялари тараққиёти натижасида юзага келган ахборот узатишнинг янгича усул ва кўринишлари.

АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА АСОСЛАРИ

Радионинг ифодавий воситалари: оғзаки нутқ, шовқин, мусиқа ва монтаж. Радиоэшиттириш турлари: ижтимоий-сиёсий ва бадиий-публицистик радиоэшиттиришлар. Радиоэшиттириш жанрлари. Радиоаудитория ва уни ўрганиш. Халқаро радиоэшиттириш тамойиллари. Радиоэшиттиришларнинг тили ва услуби.

Хусусий радиостанциялар фаолиятидаги ўзига хосликлар. Халқаро радиоэшиттиришларнинг тарихий тараққиёти.

Телевидение: кеча, бугун, эртага. Телевидение тахририятлари структураси. Телевидениеда монтаж жараёнлари. Сценарий ва режиссура. Кўрсатув тайёрлаш жараёнида муаллиф, режиссёр ва тасвирчи муносабатлари.

Телекўрсатувларда шакл ва мазмун бирлиги. Телевидениеда мусиқа ва шеърият (поэтик мисра ёки кадр). Телевидение жанрлари. Телевидениеда объект, субъект ва предмет. Мустақиллик йиллари телевидениеси. Телевидениеда иқтисодий мустақиллик масалалари. Телевидениеда миллий кадриятлар масалалари. Телевидениеда тарихий шахслар ва замонавий қаҳрамонлар образларини яратиш масалалари.

Телевидениеда халқаро мавзуларнинг ёритилиши. Хорижий телехизматлар фаолияти.

Телепублицистика, унинг ўзига хос хусусиятлари ва жанрлари. Телевидениеда шарҳ ва таҳлил.

Ихтисослашган телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар. Телебошловчига қўйиладиган асосий талаблар. Видеофильм, телефильм ва телесериаллар. Телевидение ва театр. Телеспектакль. Хужжатли теле-кинопублицистика.

Фотожурналистиканинг ОАВ фаолиятидаги ўрни. Фотожурналистика тарихи. Фотожурналистика жанрлари.

Интерактив журналистика хусусиятлари. Интерактив радиоэфирнинг ўзига хослиги. Интерактив телевидение: тасвир ва сўзнинг тезкорлик хусусияти билан жонли эфирда уйғунлашуви.

Онлайн журналистиканинг тараққиёти ва истиқболлари. Интернет – ахборот манбаи сифатида. Анъанавий ва онлайн ОАВ фаолиятидаги муштарак ва фарқли жиҳатлар. Интернетда ахборот агентликлар фаолияти. Интернет журналистикаси жанрлари. Ўзбекистон ОАВнинг интернетдаги фаолияти: ютуқлар ва камчиликлар.

Интернетда спортга оид веб-сайтлар.

2. МУТАХАССИСЛИК ФАНИЛАРИДАН ИМТИХОН ҚЎЙИДАГИ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

- Имтихон мавзулари мутахассислик фанлар бўйича имтихон комиссияси аъзолари томонидан тузилади. Мавзулар олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг раиси томонидан тасдиқланади ҳамда муҳрланган махсус конвертда қатъий ҳисобот хужжатлари сифатида сақланади;

- қабул комиссиясининг раиси ёки унинг топшириғи билан қабул комиссияси масъул котиби ижодий имтихон бошланишидан 20 дақиқа аввал фан бўйича имтихон комиссиясининг раисига ижодий (ёзма) имтихон мавзулари солинган конвертларни топширади ва фан бўйича комиссия аъзоларини имтихон топширувчи гуруҳларга тақсимлайди;

- имтихони ўтказилиши учун 1.30 астрономик соат вақт белгиланади;

- Ёзма жавоблар саҳифалари муҳрланган 12 varaқли дафтарга ёзилади, қоралама учун ҳам саҳифалари муҳрланган қоғозлар берилади. Ёзма имтихон ёзилган дафтар ва қоғозларда ёзма иш муаллифини билдирувчи, шартли белгиларнинг қўйилишига йўл қўйилмайди;

- ёзма имтихоннинг ҳажми 7 бетдан кам бўлмаслиги керак;

- ижодий имтихон учун белгиланган вақт тугагандан сўнг, ёзма ишлар қораламалари билан бирга йиғиб олинади ва масъул котибга ёки унинг муовинига топширилади;

- масъул котиб ёки унинг ёрдамчиси ёзма ишларни шифрлаб, фан бўйича имтиҳон комиссиясининг раисига текшириш учун топширади;

- ёзма ишлар фақат олий таълим муассасаси биносида ва фан бўйича имтиҳон комиссияси аъзолари томонидан текширилади;

- текширилган ижодий (ёзма) имтиҳонга қўйилган баллари ва текширувчиларнинг имзолари билан қабул комиссиясининг масъул котиби ёки унинг муовинига топширилади;

- масъул котиб ёки унинг муовини дафтарларни дешифровка қилиб, имтиҳон қайдномасига абитуриентларнинг фамилиялари ва олган балларини киритади;

Мутахассислик фанлари бўйича ёзма имтиҳонни баҳолаш мезонлари

Ёзма имтиҳонни баҳолаш икки тизимли: жавобларнинг тўғрилиги, мазмуни ва матн хатоларига қараб баҳоланади.

Мутахассислик фанлар бўйича ёзма имтиҳонда тўплаш мумкин бўлган умумий максимал балл миқдори - 100 балл.

Ёзма имтиҳонни баҳолаш мезонлари

Ёзма имтиҳонни баҳолаш мезонлари: (мавзу тўғри очиб берилганлиги – 50 балл, мазмуни –30 балл; имловий ва услубий хатолар – 20 балл)

№	Баллар қўйиш мезонлари:	Максимал баллар	
1.	А) Мавзу саёз очилган, рақам ва далиллар етарлича келтирилмаган бўлса – 5 - 7 баллгача, талабгорнинг мавзу юзасидан тасавури юзаки, фикрлаш доираси тор бўлса, ишда эркин таъсирли баён бўлмаса – 0 – 8 баллгача;	0 - 8	Жами: 15 балл.
	Б) 12 тадан ортиқ услубий ва имловий хатолар мавжуд бўлса - 0 - 5 баллгача, ишда қўпол услубий ва имловий хатолар учрамаса 5 – 7 баллгача	0-7	
2.	А) Мавзу муайян даражада очилган, рақам ва далиллардан биров фойдаланилган бўлса-да, талабгорнинг ифодада бадиий тасвир воситаларидан фойдаланишга интилганлиги кўриниб турса – 10-12 баллгача, таҳлил қилишга ҳаракат қилганлиги сезилиб турсаю, аммо таҳлилда мантиқий хулосалар чиқаришда ожизлиги сезилса – 10 - 24 баллгача;	10-24	Жами: 34 балл.
	Б) орфографик, пунктуацион ва услубий хатоларнинг умумий сони 10 тагача бўлганда - 5 – 7 баллгача бўлган доирада баҳоланади; ишда қўпол услубий ва имловий хатолар учрамаса - 8 – 10 баллгача;	5-10	

3.	<p>А) мавзу анча теран очиб берилган, рақам ва далиллардан ўринли фойдаланилган ҳамда таҳлил қилиш, мантиқий хулосалар чиқаришда иқтидор намоён этилган бўлса, тил ва услубда равонлик ва образлилик, фикр-мулоҳазаларни эркин ифодалаш сезилса - 25–27 баллгача; мавзу бир оз очилган, абитуриентнинг фикрлаши ўртадан пастрок, мутахассислик фанларини яхши ўзлаштирмаган бўлса - 35-40 баллгача;</p> <p>Б) Орфографик, пунктуацион ва услубий хатоларнинг умумий сони 6-9 та бўлганда - 6 – 8 баллгача, ишда кўпол услубий ва имловий хатолар учрамаса - 10 – 12 баллгача бўлган доирада баҳоланади;</p>	25-40	Жами: 52 балл
		6-12	
4.	<p>А) мавзу анча теран очиб берилган, соҳага оид адабиётлардан иқтибослар келтирса, рақам ва далиллардан ўринли фойдаланилган, таҳлил ва мустақил умумлашмалар чиқаришга интилиш, мавзунини очишда, мантиқий фикрлашда ҳаракат кўзга ташланса, тил ва услубда равонлик, образлилик, фикр-мулоҳазаларни эркин ифодалаш кўриниб турса, айрим муаллифларнинг мазкур мавзу юзасидан билдирган фикрлари мантиқли далиллар билан рад этилса ёки танқид қилинган бўлса - 36 – 62 баллгача; далиллар биров етишмаса, услубда оқсашлар учраса, таҳлил у қадар теран бўлмаса - 35 – 47 баллгача доирада баҳоланади.</p> <p>Б) ишда услубий ва имловий жиҳатдан унча муҳим бўлмаган хатоларга йўл қўйилган бўлса, ижодий иншо – 12 - 16 баллгача; орфографик, пунктуацион ва услубий хатоларнинг умумий сони - 4-5 та бўлганда - 13 – 16 баллгача бўлган доирада баҳоланади;</p>	35-62	Жами: 78 балл.
		13-16	
5.	<p>А) мавзу теран ва ҳар томонлама очиб берилган, соҳага оид адабиётлардан иқтибослар келтирса, рақам ва далиллардан маҳорат билан фойдаланилган, мантиқий, таҳлилий хулосалар, умумлашмалар чиқариш қобилияти яққол намоён бўлган бўлса, тил ва услубда равонлик, образлилик, фикр-мулоҳазаларни эркин, аниқ ифодалаш кўриниб турса, мазмунга мос шакл танланган, ижодий ишда ўринли тарзда танқидий мулоҳазалар билдирилган бўлса, мазмунни очишда абитуриентнинг мустақил</p>	14-80	

	<p>фикрлаш қобилияти аниқ кўриниб турса - 74 – 80 баллгача; ишда умумий хулосалар етишмаса, фикрларни умумлаштиришда мантиқ оқсаса, фикрлар синтези камроқ бўлса - 69 – 76 баллгача баҳоланади.</p> <p>Б) Ишда услубий ва имловий хатолар учрамаса, ижодий иншо - 14 - 16 баллгача бўлган доирада баҳоланади; орфографик, пунктуацион ва услубий хатоларнинг умумий сони 3-4 та бўлса – 16 - 20 баллгача баҳоланади.</p>	16-20	Жами: 100 балл.
--	--	-------	-----------------------

Мутахассислик фанлари бўйича (ёзма) имтихон балли алоҳида қайдномага киритилади. Қайднома белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, масъул котиб ёки унинг ёрдамчисига такдим этилади.

Ушбу мутахассислик махсус фандан кириш синови учун белгиланган максимал баллнинг 55 фоизи (55 балл) ва ундан кам балл тўплаганлар, шунингдек, белгиланган муддатларда кириш синовларига келмаганлар магистратурага қабул қилинмайди.

3. ИМТИХОН НАТИЖАЛАРИ ВА БЕРИЛГАН САВОЛЛАР БЎЙИЧА АПЕЛЛЯЦИЯ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Мутахассислик фанлари бўйича (ёзма) имтихон натижалари бўйича апелляцияга аризалар фақат тест натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат мазмунида фақат ўзига берилган тест саволлари ва баллари хусусида эътироз бўлса, қабул қилинади. Лекин бошқа талабалар ишлари ва баллари ҳақида ёзилган шикоят аризалари қабул қилинмайди.

Апелляция қилиш жараёнида талабгорга қўшимча савол беришга рухсат берилмайди.

Мутахассислик фанлари бўйича (ёзма) имтихонда олинган баҳони ўзгартириш фақат фан бўйича комиссиянинг розилиги билан ва фақат апелляция қилувчи талаба иштирокида олий таълим муассасаси қабул комиссиясининг қарори билан амалга оширилади.

Тест ўтказилишига қадар апелляцияга ариза бериш ва уни кўриб чиқиш тартиблари талабгорлар эътиборига етказилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Расмий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2017.

2. “Тўртинчи ҳокимият” Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги ЎзР қонунлари, қарорлар ва бошқа ҳужжатлари тўплами. – Т.: Меҳнат, 2003.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш эркинликлари ва принциплари тўғрисида”ги Қонуни. //“Тўртинчи ҳокимият”. – Т.: Меҳнат, 2003.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. //“Тўртинчи ҳокимият”. – Т.: Меҳнат, 2003.
5. Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни. //“Тўртинчи ҳокимият”. – Т.: Меҳнат, 2003.
6. Ўзбекистон Республикаси “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. //“Тўртинчи ҳокимият”. – Т.: Меҳнат, 2003.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. //“Тўртинчи ҳокимият” – Т.: Меҳнат, 2003.
8. Инсон ҳуқуқлари (Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билл). Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. А. Абдуқодиров таржимаси. –Т.: Адолат, 1992.
9. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т., “Ўзбекистон”, 2017.
10. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., “Ўзбекистон”, 2016.
11. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т., “Ўзбекистон”. 2017.
12. Мирзиёев М.Ш Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // “Халқ сўзи” газетаси 2021 йил 27 июнь.

Махсус адабиётлар

13. Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. - Т., 1998.
14. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. – СПб.: Изд. Михалова, 1999.
15. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. Учебник. – М.: Изд. Московского университета, 2005.
16. Ким М.Н. Новостная журналистика. Учебник. – СПб., 2003.
17. Ким М.Н. Технология репортажа. Учебник. СПб.: Изд-во Михайлова, 2004.
18. Тертычный А.А. Жанры периодической печати. Учебник. – Москва: Аспект Пресс. 2000.
19. Мўминов Ф. А., Нурматов А.Н. ва бошқалар. Жаҳон журналистикаси тарихи. Дарслик. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти. 2006.
20. Медиаэкономика зарубежных стран: Учебное пособие/ Елена Вартанова. – М.: Аспект Пресс, 2003.
21. Репортёрлик фаолияти назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Қ.Т.Эрназаров ва б. ЎзМУ. 2002.
22. Фихтелиус Э. Журналистиканинг ўн қоидаси. – Тошкент, 2002.
23. Багдикян Б. Монополия средств информации. – М.: Прогресс, 1987.
24. От книги до Интернета. Журналистика и мир на рубеже нового тысячелетия / Отв.ред. Я.Н.Засурский, Е.Л.Вартанова. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2000.
25. Организация работы отдела новостей. Р.Кембелл. Материалы семинара для директоров отделов новостей. АНО Интерьюс. 1998.
26. Справочник для журналистов стран Центральной и Восточной Европы. Редактор – составитель – М.Ф.Мэллет.- М.: «Права Человека», 1998.
27. Авраамов Д.С. Профессиональная этика журналиста: Учебное пособие. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2003.
28. Блэк С. Введение в публик рилейшнз. – Ростов-на-Дону, 1998.
29. Почепцов Г. Паблик рилейшнз для профессионалов. М.: Рефл-Бук, 2000.
30. Почепцов Г. Паблик рилейшнз, или как успешно управлять общественным мнением. – М.: Центр, 1998.

31. Бове К., Аренс У. Современная реклама. – Тольятти: Изд.дом Довгань, 1995.
32. Тоффлер Э. Третья волна. – М.: Изд. АСТ, 1999, 776 с.
33. W.A.Hatchen, J.E.Scotton. The world news prism, Iowa State Press, 2002, 355 p.
34. Vivial, John. The Media of Mass Communication – 5th ed. Winona State University, 1999, 403 p.
35. Stephens, Mitchell. Broadcasting News. 3 ed. Fort Worth, Harcourt Brace Jovanovich, 1993, - p.425
36. Serrin, William. The Business of journalism: Ten Leading Reporters and Editors on the Perils and Pitfalls of the Press. New Press, 2000, 376 p.
37. Webster F. Theories of the Information Society. London: Routledge, 1997. 432 p.
38. Richard R. Media Economics. Concepts and Issues. London: Sage, 1989. 218 p.
39. Peter E. Mayeux. Broadcast news. Writing and reporting. - 2nd ed. University of Nebraska – Lincoln, 1996. 435 p.
40. Esser F. Tabloidization of News. Comparative Analisys of Anglo-American and German Press. Journalism// European Journal of Communication. 1999. Vol.14, #3. P.292

Қўшимча адабиётлар

41. Нестеренко Ф.П., Эрназаров К.Т., Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. – Т., 2002.
42. Профессионал маҳорат сари тўрт кадам. (Журналистлар учун ўқув қўлланма). –Т., 2002.
43. Мельник Г.С., Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста. - СПб.: Питер, 2006. – 272 с.
44. Саидов Ҳ. Янгиликлар ёзиш ва таҳрир санъати. – Т.: Маърифат-мададкор, 2002. - 56 б.
45. Alfred Lawrence Lorenz, John Vivian. News Reporting and Writing. USA: Allyn and Bacon, 1996.-616 p.
46. Melvin Mencher. News Reporting and Writing. - Seventh edition. - USA, Brown and Benchmark, 1997.-712 p.
47. Эрназаров Қ. Т. ва бошқалар. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: Зарқалам. 2002.
48. Девид Рэндалл. Универсальный журналист. – Алматы, 1996.
49. Муминов Ф.А. Методы журналистики и методы деятельности журналистов. – Т.: Университет, 1998.
50. Стрельцов Б.В. Основы журналистики. Жанры.– Минск, 1990.
51. Дўстмухамедов Х. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. Т.: Ўзбекистон, 2005.
52. Засурский Я.Н. Искушение свободой. Российская журналистика: 1990–2004. – Москва: Изд. МГУ, 2004.
53. Прохоров Е.П. Журналистика и демократия. Учебное пособие. – Москва: Изд. «Аспект Пресс», 2004.
54. Соломон Л. Всеобщая история прессы. Пер. с нем. // История печати. Антология. – М.: Аспект пресс. 2001.